Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 96 (3597)
27 ПАЙШАНБА
АПРЕЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРТИЯНИНГ ИФТИХОРИ, ХАЛҚНИНГ ИФТИХОРИ

ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИДАН

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVIII съезди Кремлда ўз ишини давом эттирмоқда. Салкам 38 миллионли совет комсомоллари отрядининг вакиллари коммунистик қурилишда ёшларнинг иштироки билан боғлиқ энг муҳим проблемаларни зўр масъулият ва чуқур манфаатдорлик туйғуси билан муҳокама қилмоқдалар.

Нотиқлар — ишчилар ва колхозчилар, инженерлар ва олимлар, ўқувчилар ва студентлар, армия ва флот жангчилари, артистлар ва рассомлар шуни қайд этмоқдаларки, комсомолнинг XVIII съезди ҳар бир делегатнинг, ҳар бир совет кишисининг қалби ва ҳотирасида абадий сақланиб қоладиган буюк воқеадан бошланди. Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев чуқур сўзлади. Леонид Ильич йигит ва қизларга мурожаат қилиб, коммунизм идеалларига сидқидилдан содиқликлари, Ленин ишига астойдил ихлосмандликлари, умумий иш йўлида фидокорона меҳнат қила олишлари учун комсомолга, барча совет йигит ва қизларига ташаккур изҳор этди.

КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ XVIII съездига йўллаган табрикномасида партия номидан самимий оталарча берилган йўл-йўриқлар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур маъноли, ёрқин нутқи — Ленин комсомолининг илҳомбахш ҳаракат программасидир, дейилмоқда делегатлар съезд минбаридан. Улар ёшларнинг КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлидаги курраши тўғрисида, хўжалик ва маданий қурилишда, ижтимоий фаолиятда қатнашаётганликлари ҳақида, ҳарбий хизматни қандай ўтаётганликлари тўғрисида Улуғ Ватанимиз учун фахрланиб гапирдилар.

26 апрель — съезд ишининг иккинчи куни. Съезд аҳли А. П. Кириленко, М. А. Суслов, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов ўртоқларни самимий кутиб олди.

ВЛКСМ Марказий Комитети билан комсомол Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Делегатлар ВЛКСМ XVIII съезди резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссияни сайладилар.

Димитровчи Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари **Бойчо Штерянов** (БХР), Хо Ши Мин Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари **Данг Куок Бао**, Венгрия Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ласло Мароти** ҳамда чет эллик бошқа меҳмонлар съездни қизғин ва самимий табрикладилар.

ВЛКСМ XVIII съезди 27 апрелда ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

ҚОЛОҚЛАРСИЗ, СИФАТЛИ ВА УНУМЛИ ИШЛАЙЛИК!

Энг муҳими шуки, ўртоқлар, битта ҳам яхши ташаббус сўниб қолмасин. Бундан бир неча йил аввал Горький корхоналарида «Ёнимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин!» деган чақириқ пайдо бўлган эди. Бу чақириқ фақат ишлаб чиқаришдаги шиор бўлибгина қолмай, шу билан бирга у ахлоқий нормага ҳам айланди... Бу чақирикни ҳамма жойда ёйиш бутун мамлакат учун муҳим натижалар бериши мумкин.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

• КПСС XXV съезди қарорлари—ҳаётга!

• Илғорлар шиори: бир беш йилликда—икки беш йиллик

• Шогирд мураббийга тенглашсин.

• Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади

БЕШ ЙИЛЛИК ОЙДИН ЙЎЛИДАН

А. А. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари

Тошкент меҳнаткашлари барча совет халқи билан биргаликда КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун зўр кўтаринки руҳ ва ижодий ташаббус билан ишламоқдалар. Шуни таъкидлаш керакки, бугунги муваффақиятларимизнинг асоси, партия ва ҳукуматимиз илгари сурган улуғвор вазифаларни амалга оширишнинг базаси тўққизинчи беш йилликдаёқ бунёд этилган эди.

Ўшанда пойтахт коммунистлари, меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида муайян зафарларни қўлга киритдилар, топшириқларни муҳим техника-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ошириб бажардилар. Зотан, тўққизинчи беш йиллиқдаёқ шаҳар партия ташкилоти ҳар бир меҳнат колективининг тинғиз план ва топшириқларини ҳеч сўзсиз таъминлаш юзасидан олиб борган ўз ишида асосий таянчни бунёд этди. Халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик даражасини ошириш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини актив жорий этиш, саноат корхоналарини реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш асосида планлаштириш ва экономикани бошқаришни такомиллаштириш, социалистик мусобақани янада кенг ривожлантириш бу вазифаларни ҳал этишнинг асосий шарти бўлди.

Буларнинг барчаси туфайли шаҳар саноатини янги, ўнинчи беш йилликда КПСС XXV съездининг асосий кўрсатмаларини бажара бориб қолоқ корхоналарсиз ишлай бошлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқиб шаҳар партия комитети Тошкент саноат корхоналари барча коллективларининг план топшириқларини ҳеч сўзсиз таъминлашлари юзасидан конкрет тадбирлар планини ишлаб чиқди ва уни ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этмоқда.

Ҳозир белгиланган маррага эришилгани — республика пойтахти саноати 1977 йилни қолоқларсиз якунлагани чоғида босиб ўтилган йўлни яна бир марта чуқур таҳлил этиш, ҳал этилмаётган масалаларга тўхталиб ўтиш, янги вазифаларни аниқ белгилаш катта аҳамиятга эга.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ростов области меҳнаткашларига — бу ажойиб ташаббус ижодкорларига йўллаган табрик хати «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ҳаракатининг ривожланишига ҳеч шубҳасиз ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Бу мактубнинг шаҳар, район партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиниши ишимизда кўпгина камчилик ва нуқсонларни кўриш, бутун кучларимизни асосий йўналишга жамлаш, ҳаракатнинг аниқ программасини ишлаб чиқишга имкон берди. Қолоқ корхоналарсиз ишлаш тўғрисидаги масала шаҳар ва район партия комитетлари пленумларида, партия-хўжалик активи йиғилишларида, илмий-назарий конференцияларда қизғин муҳокама қилинди. Бинобарин, унн тайёрлашга етакчи мутахассислар, олимлар, ишлаб чиқариш илғорларининг кенг оммаси жалб этилди. Экономика раҳбарлигига илмий ёндошиш билан перспектив планлаштиришни, ишнинг аҳволини изчил анализ қилиш билан қўшиб олиб бориш асосланган ва аниқ тадбирларни амалга ошириш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини аниқ контроль қилиш имконини берди.

Коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига жойжойига қўйиш, ҳар бир меҳнат коллективининг фаолияти ҳар томонига партиявий таъсир этишни кучайтиришга катта эътибор қаратилди. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг аҳамиятига муҳим эътибор бериб, план интизомини мустаҳкамлашга, раҳбарларнинг белгиланган топшириқларни бажариш учун шахсий масъулиятини оширишга эришмоқдалар. Кейинги йилларда 1,5 мингдан зиёд қобилиятли ташкилотчилар, коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари участка, смена ва бригадаларни бошқардилар.

Раҳбар ходимларнинг снёсий билим доирасини ошириш, ғоявий чиниқтириш, билимларини чуқурлаштиришга айниқса эътибор берилмоқда. Бу масалани ҳал этишда биз аввалгидек КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори талабларига риоя қиляпмиз. Фақат беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида марксизм-ленинизм университетида партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик раҳбар ходимларидан 811 киши таълим олди. Шу билан бирга қолоқларсиз ишлашни муваффақиятли ташкил этиш учун оддий меҳнатчиларнинг касб малакаси савиясини ошириш зарур. Шунинг учун ҳар йили Тошкент ишчиларидан 120 мингдан зиёд киши ўз малакаларини оширмоқдалар ва аралаш касбларни ўрганмоқдалар. Ишчилар синфининг сафлари ҳунар-техника билим юртлари битирувчилари ҳисобига актив тўлиб бормоқда. 1976—1977 йилларда пойтахт халқ хўжалигига 24,21 мингдан кўпроқ ёш ишчи келиб қўшилди.

Пойтахт партия ташкилотлари тўплаган тажриба чуқур анализ қилиш ва уни ҳамма жойда амалга оширишни талаб этади. Шу мақсадда шаҳар партия комитети қошида мана, тўртинчи йилдирки, хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик тажрибасини умумлаштириш, партиявий-ташкилий ишларнинг самарали формаларини жорий этиш бўйича 10 та методик совет ишлаб турибди. Уларнинг составида партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик раҳбар ходимлари, олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари бор. Техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигини ошириш; социалистик мусобақани ташкил этиш, илғорлар ташаббусини ёйиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш бўйича методик советлар илғорлар тажрибасини кенг ёйиш мақсадида ўрганмоқдалар, таҳлил қилмоқдалар ва методик тавсияномалар ишлаб чиқмоқдалар, семинар ва конференциялар ўтказмоқдалар.


КПСС XXIV ва XXV съездлари қарорларига амал қилиб, шаҳар партия ташкилотлари йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва комбинатлари ташкил этиш асосида саноат ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш юзасидан катъий иш олиб бормоқдалар. Агар 1970 йилда Тошкентда бор-йўғи олтита ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлса ҳозир эса сони 50 тага етди. Бирлашма ва йирик корхоналар шаҳарда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 77 процентини тайёрламоқдалар.

Тошкент шароитида бирлашмаларнинг иш тажрибаси хўжалик юритишнинг бу прогрессив формаси катта афзалликларга эга эканлигидан ёрқин далолат бериб турибди. Масалан, бирлашмалар маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши умуман шаҳар саноатига нисбатан анча юқоридир.

Саноатда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг муҳим йўналишларидан яна бири корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришдир. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш мақсадида 150 корхонани реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш кўзда тутилган. Беш йилликнинг икки йилида саккизта янги саноат корхонаси ишга туширилиб, 37 таси реконструкция қилинди. 209 та автоматик ва поток линиялар, 111 комплекс механизациялашган участка ва цехлар жорий этилди. 767 та илғор технология жараёнлари ўзлаштирилди. 7 мингдан зиёд юқори унумли дастгоҳлар ўрнатилди, жумладан, программали бошқариладиган комплекслар ва станоклар ўрнатилди.

Меҳнаткашларни давлат планларини бажариш ва ошириб бажаришга сафарбар этишда социалистик мусобақа асосий роль ўйнамоқда. Корхона ва ташкилотлар коллективлари меҳнат ва сиёсий активлигини ички резервлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг қимматли ташаббусларини ўрганиш ва умумлаштириш ва кенг ёйиш ҳисобига меҳнатда янада юқорироқ натижаларга эришишга мунтазам йўналтириш оммавий мусобақани муваффақиятли ривожлантириш асосий шартларидир, бу коммунистларнинг муҳим вазифасидир.

[Давоми 2-бетда].



Барча резервларни ишга солиб...

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестига қарашли 39-автобазанинг машиналар майдонида ҳар куни кўплаб автомобилларни кўриш мумкин. Бир неча минутдан сўнг «МАЗ» — ва «ЗИЛ»лар турли маршрутлар бўйлаб шаҳар қурилишларига, корхона ва ташкилотларига халқ хўжалиги юкларини етказиб бериш учун жўнаб кетишади. Ҳозирча рейсгача бироз вақт бор. «Жанговар ҳолатда» турган машиналар ўз шоферларини кутишмоқда. Кизил бурчакка эса илғорлар «Капитал ремонтсиз автомобилда 300 минг километр йўл босиш учун» шиори остида ўтган социалистик мусобақага якун ясаш учун тўпланадилар.

Ана шу шиор остида ўтадиган ҳар йил ги конкурсда автобазанинг 50 нафарга яқин энг яхши шоферлари иштирок этишади. Конкурс шартига ёқилғимойлаш материалларидан, автомобиль шиналари комплектларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, техникани намунали тутиш, белгиланган маршрутлардан рационал фойдаланиш киритилган.

300 минг километр юриш— шофёрлар ўртасида энг авж олган тежамкорлик учун курашнинг босқичларидан биридир. Улардан энг яхшилари, булар олти бригада, пудрат методи бўйича ишламоқда. Транспортчилар тўрт томонлама — ёрдамчи-пудратчи қурилиш ташкилотларининг экспроваторчилари билан, буюртмачи корхонанинг раҳбарлари билан ва ўз автобазасининг ремонтчилари билан мусобақа шартномасини тузиб оладилар. Ишга бундай ёндошиш жуда самарали бўляпти. Масалан, автобаза шофёри III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери А. Болохов 1 февралдаёқ ўнинчи беш йиллик топширигини бажарганлиги ҳақида рапорт берган эди. Март ойида эса бригада шофёрлари М. Каумтов, Ф. Морозов, П. Микитасовлар ҳам бу ҳақда рапорт бердилар. Автобаза коллективи эса муддатидан илгари, 21 мартда биринчи квартал топшириғини адо этди. Пландан ташқари 120 минг сўмлик халқ хўжалик юклари ташиб берилди. Бу беш йилликнинг учинчи йили программасини муваффақиятли бажаришга пухта замин яратди.

Автобазада ишлаб чиқарш резервларидан тўла фойдаланиш учун нўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Темирчилик цехи тўла қайта тикланди. Ёқилғи аппаратларини регулировка қилиш учун янги стенд ўрнатилди. Мотор цехи қурилиши эса тугалланиш арафасида турибди. Буларнинг ҳаммаси коллективга йиллик планни муваффақиятли уддалашга ёрдам беради. Автомобилчиларнинг олдида 3580 минг тонна халқ хўжалик юкини ташиб бериш вазифаси турибди. Коллектив эса бу топшириқни СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача, яъни 7 октябргача бажаришни мўлжалламоқда. Автомобилчиларнинг фидокорона меҳнати ҳар бир шоферга хом ашё ва материалларни тежаб қолиш бўйича олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришидан далолат бериб турибди.

В. ЭНКЕР.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ремонтчилари, ёшларнинг мураббийлари коммунист Ю. Отажонов ва «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери В. Филиппов иш пайтида.

Автор фотоси.

ИЛҒОР УСУЛНИ ҚЎЛЛАБ

«Главташкентстрой»га қарашли 8-қурилиш трестининг бинокорлари беш йилликнинг учинчи йилида муваффақиятли меҳнат қилишмоқда. Ишлаб чиқаришга янги метод ва усулларнинг жорий этилиши, ишнинг яхши ташкил этилиши, бинокорларнинг ўз ишларига нисбатан масъулиятини ошиши сабабли коллектив план топшириқларини шараф билан бажармоқда.

Трест бўлинмаларида свердловскликларнинг ватанпарварлик ташаббуси асосида меҳнат қилишга катта эътибор берилляпти. Коллективнинг Т. Исмоилов, П. Данилов, Н. Юнусов каби ишлаб чиқариш илғорлари ташаббусга биринчилардан бўлиб қўшилишган эди. Ҳозир трестда свердловскликларнинг издошлари сони ўн никитага етди. Натижада йигирма нафар малакали бинокорни бошқа қолоқ бригадаларга ўтказиш имкони туғилди. План топшириқларини уддалай олмаётган бригадаларга етук мутахассисларни қўшилиши бу коллективларда ҳам муваффақиятларга эришиш имконини беради.

ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ ҲИСОБИГА

Тошкент локомотив депосида машинист Александр Матвеевнинг ташаббуси тобора кенг қулоч ёймоқда. Илғор ишчи бошлаб берган ташаббус шундан иборатки, барча локомотив бригадалари ҳар йилнинг охирги ойида пассажир поездларини тежалган ёнилғи ҳисобига бошқариб борадилар.

Ҳозир ана шу қимматли ташаббусга 200 машинист қўшилган. Депо коллективи беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституцияси қабул қилинган кунгача бажариб, йил охирига поездларни тежалган ёнилғи ҳисобига бошқаришга аҳд қилган.

Олдида ишлар кўп

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 1978 йил 24—25 апрель кунлари Софияда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар Министрлари комитетининг мажлиси бўлди. Бугун газеталарда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитети мажлисининг ехбороти эълон қилинган.

● Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси хабар беради: Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1978 йил январь—апрель ойлари планини муддатидан илгари— 26 апрелда адо этдилар.

Ҳаммаси қизғин баҳслардан бошланди. Айниқса комсомол Саша Литвинов ҳеч тинчимади. Таклиф киритар, исботлар, ишонч уйғотарди. Гап шундаки, 2-трамвай депосига қарашли 9-маршрут энг қолоқ маршрут ҳисобланарди.

— Комсомол ёшлар коллективини тузиш керак, йигитларни бирлаштириш керак, — исбот қиларди Литвинов. — Ана шунда иш бошқача бўлади.

— Унинг фикрига кўпчилик қўшилди. Чунки Литвиновгина эмас бошқалар ҳам ёшлар коллективини тузиш зарурлигини уқтиришарди. 1977 йилда шундай бригада тузилди. Унга смена бригада бошлиғи киритилиб Литвинов ва Белоноговлар тайинланди. Бошқа ёшлар ҳам уларга қўшилиб, астойдил иш бошлаб юборишди. Коллектив катта эди— 90 киши.

Иш бирданига изга тушиб кетмади, албатта. Уларнинг кўпчилиги жуда ёш, ҳали тажрибасиз ҳайдовчилар эди. Шунда Алик Хегай шундай деди:

— Мураббийлар бизда кам бўлса-да аммо улар бор. Янги йўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусини қўллаб-қувватлашни таклиф этаман. Ҳар бир мураббий биттадан эмас, иккитадан шогирдга оталик қилсин.

Ишда бурилиш ясаш кераклигини ҳис этиб ҳамма, бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Мураббийлар учун ташвишлар етарли эди. Шундай пайтда эндигина тажрибасини ошириб бўлган ёш ҳайдовчи ҳам бир чеккала туриб қолмади. У ҳам билганини бошқаларга ўргатди. Ёшлар коллективида ишлаш ҳаммага хуш келарди.

Ютуқларга фидокорона меҳнат билан эришилди. Ёшлар бутун куч-имкониятларини ишга солишди, устозлар ҳам бутун маҳоратларини аниқ максадга қаратдилар.

1977 йилнинг кўрсаткичлари энди куч йиғаётган ёш коллективнинг катта имкониятлари борлигини очик-равшан кўрсатди.

Шунинг учун ҳам беш йилликнинг учинчи йили зарбдор меҳнат билан бошланди. Ёшлар коллективи тажрибасини ошириб, янада мураккаб проблемаларни уддалай олишини кўрсатди. Ана шундагина уларга бригада пудрати асосида ишлашга ўтиш таклиф этилди. Бригадага техник-иқтисодий кўрсаткичлар берилди. Унда линияга вагонларни чиқариш, иш соатлари, ҳаракат графиги ва даромад планларини бажариш процентлари акс этган эди. Бир сўз билан айтганда, бу кўрсаткичлар коллективнинт ҳар бир аъзосини умумий ютуқ учун жон куйдиришга даъват этди.

Январь ва февраль ойи планлари 100.7 процент бажарилди. Баҳорнинг биринчи ойида эса кўрсаткич 101 процентни ташкил этди.

...Комсомол комитетига кирганимда шу ерда ўша Саша Литвиновни кўриб қолдим.

— Таклиф бор, — деди у.

Комсорг Я. Медник Сашага қараб кулиб қўйди:

— Бригадир яна ниманидир ўйлаганга ўхшайди?

— Бригадамиз «Намунали хизмат кўрсатиш маршрути» номини олиш учун курашишга аҳд қилди. Қандай, комсорг, маъқулми?

— Удласидан чиқасизларми?

— Энди биз ҳаммасини ҳам уддалаймиз. Ахир ишончли ёшларимиз бор. Улар қандай ишлашни билишади.

В. КУЗИН,
2-трамвай депосининг маршрут бошлиғи.

ПОЙТАХТ БИНОЛАРИ УЧУН

Шаҳримиз қурилишларида бинолар сиртини безашда турли рангдаги кошинлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун 3-гишт заводининг коммунист Анатолий Микишенко бошлиқ кошин цехи коллективи шу материаллардан тобора кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Бундан тўрт-беш йил муқаддам бу ерда ҳар ойда 4000 квадрат метр атрофида маҳсулот тайёрланарди. Ҳозир ҳар ойда қурилиш объектларига 7000— 7500 квадрат метр ҳажмида юқори сифатли кошин жўнатиляпти. Бунга конвейернинг бетинним ишлашини таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш, ишчиларнинг касб маҳоратини ошириш орқали муваффақ бўлинди.

Юбилей йили топшириғини муддатидан қарийб бир ой аввал адо этган цех азаматлари 1978 йилнинг биринчи кварталини ҳам муваффақиятли якунладилар. Коллектив шу кунгача қурилиш объектларига 25 минг квадрат метрдан ортиқ кошин жўнатди.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ—ЯХЛИТ ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ V СЪЕЗДИДАН

Ўзбекистон ўқитувчиларининг V съезди 26 апрель куни Тошкентда ўз ишини тугаллади.

Ўқитувчиларнинг бу катта анжуманига йиғилган республика педагоглари педагогика коллективларининг КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларини ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш соҳасидаги фаолияти якунларини муҳокама қилдилар.

Съезд делегатлари таълим-тарбия ишларини ташкил этишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга, республикада халқ маорифини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифларни киритдилар.

Қардош республикалар делегацияларининг намояндалари — РСФСР Маориф министрлиги бошкармасининг бошлиғи В. Ф. Ковалев, Украина ССР Маориф министрининг ўринбосари А. П. Эфендиев, Тожикистон ССР Халқ маорифи министри Р. Д. Дадабоев, Эстония ССР Маориф министри Ф. М. Эйсен потко, Белоруссия маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари Касаба союзи Республика комитетининг раиси Е. Г. Смирнова, Озарбайжон ССР Маориф министрининг ўринбосари А. П. Эфендиев, Тожикистон ССР Халқ маорифи министри Р. Д. Дадабоев, Эстония ССР Маориф министри Ф. М. Эйсен Узбекистон ўқитувчиларига янги-янги муваффақиятлар тилладилар.

СССР Маориф министрининг биринчи ўринбосари Ф. Г. Паначин съездда нутқ сўзлади.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Съездда Бутуниттифоқ ўқитувчилар съездига делегатлар сайланди.

Съезд республиканинг барча маориф ходимларига, жамоатчилигига мурожаат қабул қилди. Мурожаатда ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги барча ишларни яхшилаш, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни бажо келтиришга даъват қилинади.

(ЎзТАГ).

ҚОЛОҚЛАРСИЗ, СИФАТЛИ

Бешйиллик ойдин йўлидан

[Бошн 1-бетда].

Ҳозирги пайтда меҳнат беллашувида 650 минг тошкентликлар қатнашмоқдалар, Москва, Ленинград, Львов, Челябинск, Ўрта Урал пешқадам коллективларининг ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланди. Тошкентнинг 50 минг меҳнатчиси, 39 корхонаси, 169 цехи, мингдан зиёд участка ва бригадаси СССР Конституцияси бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили планини бажариш ташаббуси учун чиқдилар.

Ишчилар, бир технологик жараён билан ўзаро боғлиқ участка ва цехларнинг коллективлари, корхоналар ва районлар ўзаро мусобақа шартномалари тузмоқдалар. Олмаота меҳнаткашлари билан социалистик мусобақа учун анъанавий шартнома имзоланди.

Шаҳарда Ростов область партия ташкилотининг тажрибаси бўйича план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажарилишини назорат қилиш ва ахборот беришнинг аниқ оператив системаси ташкил этилди. Зотан, партия ташкилотларининг бурчи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубида қўйилган вазифаларни ҳар бир меҳнат коллективда амалга оширишдир.

Партия ташкилотларимиз бевосита тўпланган тажрибадан ростовликлар ташаббусини жорий этиш ишида кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Октябрь район корхоналари бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан такомиллаштириш, иш сифатини ошириш масалаларида маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқидан актив фойдаланмоқдалар. Район партия комитети ҳар бир корхона ишининг бир меъёрда боришини ҳар куни назорат қилиб бормоқда, фақат бўлинмалардагина эмас, ҳар бир ишчининг планларни қандай бажараётганлиги таҳлил этилмоқда. Бу эса фақат 1977 йилдагина шахсий топшириғини бажармаётган ишчилар сонини икки мартадан зиёдроқ қисқартириш, планга қўшимча 7 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти реализация қилиш, Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмларни икки марта кўпайтириш имконини берди.

Ҳамза район партия ташкилоти учун ёшлар билан тарбиявий ишни кучайтириш, мураббийчиликни кенг ривожлантириш характерлидир. Райончнинг кўплаб корхоналарида мураббийлар советлари ташкил этилган. Улар тарбиявий таъсир кўрсатишнинг идеологик, ташкилий, маъмурий ва жамоатчилик воситаларининг ранг-баранг турларидан тўлароқ фойдаланиш имконини бермоқда.

Район партия комитети хўжалик раҳбарларига айниқса, ўрта звено раҳбарларига талабчанликни кучайтирди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳар бир етакчиси у раҳбарлик қилаётган участкада ишнинг аҳоли учун фақат шахсий масъулият ҳис этибгина қолмай, балки яхши тарбиячи бўлишига ҳам эришмоқда. Районда 87 халқ сиёсий мактаблари, 216 мактаб, семинар, халқ университетлари, 98 та коммунистик меҳнат мактаби ишлаб турибди. Сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг барча формаларига 47 минг 200 киши жалб этилган.

Район партия ташкилотлари айниқса инженер-техник ходимларга алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг шахсий ижодий планларида ҳар бир мутахассиснинг қолоқ участкаларни илғорлар сафига олиб чиқиш, ишчиларни ишлаб чиқариш илғорлари даражасига етказишга қўшаётган конкрет ҳиссаси ўз аксини топмоқда.

Район корхоналарида икки йил ичида 116 автоматик ва поток-механизациялашган линиялар, 1200 дан зиёд ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси район саноатида беш йилликнинг икки йили ичида ишлаб чиқариш ҳажмини 26,1 процент, меҳнат унумдорлигини эса 21,2 процент ўстиришга эришиш имконини берди. 9 корхона коллективи, 10 мингдан зиёд ишчи беш йилликнинг икки йили топшириғини муддатидан илгари бажарди.

Бу районлар партия комитетларининг иш тажрибаларини кенг ёйиб шаҳар партия комитети 1977 йилда барча районларнинг йилни қолоқларсиз якунлашига эришди. Шу билан бирга бошланғич партия ташкилотлари, партия, группалари ҳозирги пайтда меҳнат коллективлари ҳаётининг барча томонларига янада активроқ таъсир кўрсатмоқдалар. Айнан шу жойларда ишнинг муваффақияти ҳал этилади. Агар партия группалари, цех ёки бошланғич партия ташкилотларининг коммунистлари ташаббус кўрсатиб ишласалар камчиликларга барҳам беришга эришадилар, ҳамкасбларини юксак натижаларга эришишга сафарбар этадилар, агар иш шундай ташкил этилса унинг муваффақият қозонишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Агар ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси, бригада, смена, цех планини мунтазам бажарса, умуман корхона «Средазкабель» бирлашмасида Львов области корхоналарининг маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосида маҳсулот сифатини ошириш бўйича иш тажрибаси актив жорий этилмоқда. Партия ташкилоти раҳбарлигида корхонанинг 29 стандарти ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган системаси муваффақиятли ишлаб турибди. Коллектив ўртасида москваликларнинг «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» ташаббуси кенг ёйилди. Буларнинг барчаси 98 процент маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ топшириш, маҳсулотларнинг салкам ярмини олий категорияли сифатга тайёрлаш, корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида қолоқларсиз ишлаш имконини берди.

Яна бир мисол «Ташметрострой» трестининг коллективи Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, мамлакат бир қатор меҳнат коллективлари актив ёрдамида метрополитеннинг биринчи навбатини муддатидан бир йилу-икки ой илгари, барвақт фойдаланишга топширди. Трест барча бўлинмалари коммунистлари, бригада ва участкалар партия группалари актив фаолияти, илғор иш усулларини кенг ёйиш метросозларнинг қолоқларсиз ишлашига имкон берди. Коммунистлар ҳал қилувчи участкаларда ишлаб чиқариш резервларини доимо изламоқдалар, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга, унумдорликни оширишга қаратилган кўплина қимматли таклифлар киритмоқдалар. Бу масалалар партия ва ишчилар йиғилишларида, доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгашларида чуқур ва қизғин муҳокама қилинмоқда.

Шаҳар саноати 1977 йилни қолоқларсиз якунлаб, планга қўшимча 87 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 103,9 процент ўрнига 106,8 процент ўсди.

Маҳсулот сифати ҳам ошди. Ҳозирги вақтда саноат корхоналари 636 та буюмни фахрли беш киррали белги билан ишлаб чиқармоқда. 1976 йилга нисбатан бундай маҳсулотлар салмоғи икки ҳиссадан зиёдроқ ошди.

Тошкент индустрияси эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, шу йилнинг дастлабки ойларида юксак суръатни пасайтирмади. Январь, февраль ва март ойларида шаҳарнинг ҳамма корхоналари маҳсулот реализация қилиш планларини бажариб, топшириққа қўшимча салкам 21 миллион сўмлик буюм реализация қилди. Баъзи техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планни бажармаган корхоналар сони анча қисқарди.

Шу билан бирга ҳамма имкониятдан ҳам фойдаланилган деб бўлмайди. Уларни ишга солиш, ишлаб чиқаришнинг ички резервларига эътиборни қаратиш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш пойтахт районлари партия комитетлари, бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари, барча коммунистлар, меҳнаткашларининг асосий вазифасидир. Маҳсулот реализация қилишда, бошқа асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаслик керак. Бошқача қилиб айтганда, Тошкент меҳнат коллективларида биронта ҳам қолоқ бўлинма, бригада, ходим бўлмаслиги, Шаҳар халқ хўжалигининг барча тармоқлари саноатга тенглашиб, беш йилликнинг «Қолоқларсиз, сифатли ва унумли ишлайлик» асосий шиорини амалга оширишлари тўғрисида гап бормоқда.

Олдинда катта, қизғин, аниқ вазифа турибди. Экономикага партиявий раҳбарлик усул ва методларини янада такомиллаштириш, иқтисодий ва социал проблемаларни комплекс ҳал этиш, хўжалик ва тарбиявий ишларни бирга қўшиб олиб бориш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш, иқтисод ва тежамкорлик учун курашни кучайтириш, республика пойтахти барча меҳнаткашларини КПСС XXV съезди қарорларини, коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этиш белгиланган маррага эришишнинг гарови бўлмоғи зарур.

• КПСС Марказий Комитети декабрь (1977) йил Пленуми белгилаб берган йўлдан
• Сифат—бош вазифа
• Беш йиллик ташаббусига—инженерлик кафолати
• Комсомоллар беш йиллик вахтасида



«Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-цехи ишчиси А. Князев смена топшириқларини 170 процентдан оширибадо этмоқда. Бу пешқадам ишчи бир беш йилликда нини беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олган.

* * *

Механика цехи «Геологоразведка» Тошкент заводида илғор ҳисобланади. Бу ерда партия группалари ишлаб чиқаришнинг долзарб масалаларини ҳал этиб, самарали иш олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) группа коммунистларидан токарь М. Содиқов, слесарь Н. Хмиров, фрезерчи Г. Костенко, цех бошлиғи А. Бездолов, ишчи А. Бурмистров деталлар тайёрлашнинг янги технологиясини муҳокама қилмоқдалар.

П. Майоров фотолари.

Қарор ва ижро

ПАРТИЯВИЙ КОНТРОЛЬ—МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ўтган йили район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, Тошкент коммунистлари ва меҳнаткашларини ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ватанпарварлик ташаббусини амалга оширишга сафарбар этиш юзасидан изчил ишни кенг тус олдириб юборишди. Буни муваффақиятли амалга оширишда контроль ва ижрони текшириш яхши йўлга қўйилгани катта роль ўйнади.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари текширишнинг ижрони ташкил этиш билан бир бутун боғланишига эришмоқдалар. Шу мақсадда қарорлар ижросини жойларда ўрганиш, партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглаш, қабул қилинган қарорларни бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш сингари контроль формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Октябрь район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида «Тошкентхлеб» бирлашмаси партия комитетининг ташкилий ва сиёсий ишлари тўғрисида партия ташкилоти секретарининг ҳисоботи тингланди. Сергели район партия комитети пленумининг қатнашчилари эса район партия конференцияси делегатлари томонидан айтилган танқидий мулоҳаза ва таклифлар қандай бажарилаётгани тўғрисида ахборот тингладилар.

Бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат коллективлари ҳаёти ва фаолиятининг энг актуал масалалари юзасидан ҳисоботлари тез-тез тингланадиган бўлиб қолди. Бундай муҳокамаларда жойларда ишнинг аҳволини чуқур ўрганиш, халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларини, активни кенг жалб этиш орқали текшириш одатдир.

Масалан, 1977 йил апрель ойида Собир Раҳимов район партия комитети агрегат заводи партия ташкилотининг корхонани социал-иқтисодий ривожлантириш планини бажариш юзасидан олиб бораётган ишини таҳлил этди, кўпгина мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар айтилди. Завод партия комитети бунга амал қилиб, социал-иқтисодий ривожлантириш планини муваффақиятли бажаришга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқди. Асосий эътибор техник, ташкилий ва социал масалаларни комплекс ҳал этишга, ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни топширилган иш учун масъулиятни ҳис этишни тарбиялашга қаратилди. Ўтган йилда партия комитети йиғилишларида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, илғорлар тажрибасини ёйиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Айнан бошланғич партия ташкилотларида ижрони текшириш ишни амалий ташкил этиш, белгиланган режаларни ҳаётга тадбиқ этиш билан узвий боғланиб кетмоқда. Юқори партия органлари қарорлари ва ўз қарорларининг ижроси масалалари, коммунистларнинг топшириқларини бажариши тўғрисидаги ҳисоботлари партия йиғилишларида, завод партия комитети ва партия бюроси мажлисларида тингланмоқда.

Қабул қилинган қарорлар ижросини текширишнинг формаларидан бири маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳисобланади, бу пойтахтнинг бошланғич партия ташкилотларида кенг қўлланилмоқда. Шаҳар бошланғич партия ташкилотларида 1397 ана шундай комиссия ташкил этилиб, унинг ишида 7 мингга яқин коммунист иштирок этмоқда. Улар ишлаб чиқариш фаолиятининг барча асосий йўналишлари бўйича, шу жумладан, маҳсулот сифатини назорат қилиш, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тузилган тадбирларнинг бажарилишини текширишни ташкил этмоқдалар. Бу эса бошланғич партия ташкилотларига ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга, социалистик мусобақада юксак натижаларга эришишга актив таъсир этиш имконини бермоқда.

Масалан, «Миконд» заводида иш мана бундай ташкил этилди: 1977 йил бошида корхонанинг 4-тайёрлов цехи қолоқ ҳисобланарди. Бу цехнинг бир меъёрда ишлаши йиғув цехларига, демак бутун коллектив меҳнатининг натижасига таъсир қилар эди. Партия комитети рўй берган аҳволни чуқур ўрганишга қарор қилди. Комиссия составида партия комитети секретари А. Фозилбеков, директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари В. Иванов, 4-цех партия ташкилоти секретари В. Русаков ва бошқа мутахассислар бор эди.

Жойдаги ишнинг аҳволи ўрганилиб, ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатилгани, белгиланган тадбирлар бажарилишининг қатъий назорат этилиши цехга бир меъёрда ишлаш имконини берди, у қолоқлар сафидан чиқди.

Шаҳар партия ташкилотларида контроль ва қарор ижросининг айнан шундай системаси таркиб топиши 1977 йилда барча саноат корхоналарининг план топшириқларини бажаришларига маълум даражада кўмаклашди. Шу билан эса ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ватанпарварлик ташаббусини амалга оширди.

А. ВИЛЬСКИЙ,
Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори.

БРИГАДАНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИ КАМ ИШЧИ КУЧИ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ!

•

ЗВЕНО БОШЛИҒИ БРИГАДИР БЎЛАДИ

• УЧАСТКАДА ЯНГИ БРИГАДА ТУЗИЛАДИ


• СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР УЗГАРМАЙДИ

Бригадамизнинг энг яхши звено бошлиқларидан ҳисобланган Муҳаммад Каримовни бошқа коллективга ўтказишимиз келмайди. Лекин шундай қилиш керак. Чунки, саердловскиликлар ташаббуси асосида ишлашга аҳд қилган коллективимиз ана шундай қарорга келди. Муҳаммаджон билан бирга яна тўрт нафар малакали мутахассис — арматурачи Азим Исабеков, дурадгорлар Мажид Бегматов ва Мамадиёр Қурбонов, бетончи Абдуваҳоб Матмусаев ҳам бошқа коллективга йўлланма олади. Улар участкамизда янги ташкил этилаётган бетонлаш, пайвандлаш, дурадгорлик, арматурачилик каби вазифаларни бажарадиган бригада нинг асосий курузчиларидан бўлиб қолишади. Бригадамиз эса металл конструкцияларини монтаж қилиш билангина шуғулланади.

Янги ташкил қилинаётган бригадага М. Каримов етакчилик қилади. Унда асосан олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таҳсил кўраётган ёшлар ишлашади. Тез орада коллектив сони 30 нафарга етказилади.

Бригадамиз эса авваллги социалистик мажбурияти бўйича меҳнат қила бошлайди. Коллективимиз аъзоларининг сони беш ишчига камайган бўлса ҳам шу йил 7 октябрга қадар беш ярим йиллик планни, беш йиллик охиригача ўн йиллик топшириқни адо этади. Халқлар дўстлиги майдонида қад ростлаётган кинотеатр зали қурилишини 1980 йилда фойдаланишга топширамиз.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
11-«Висотстрой» трести хўжалик ҳисобидаги участкаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери.



Москваликлар ташаббуси бўйича

Москваликларнинг «Уч йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллик кунигача бажариш» ташаббусини Тошкентдаги темир-бетон конструкциялари экспериментал заводининг учта цехи коллективи қўллаб-қувватлади. Шу кунларда бу коллективларнинг ҳаммаси ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришмоқда. Ҳ. Фотихов, В. Сатторовлар бошчилик қилаётган қолипловчилар бригадаси ҳамда Л. Рябиков бошлиқ арматурачилар бригадаси шу йилнинг июль-август ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Коллектив биринчи квартал планини 28 мартда муддатидан илгари бажарди. Апрель ойи плани ҳам муддатидан уч кун аввал бажарилади. Пландан ташқари 1175 куб метр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 20 тонна цемент, 45 тонна металл, 20 минг киловатт соатдан кўпроқ электр энергияси тежаб қолинди.

КОММУНИСТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Сифат учун ҳамма жавобгар

Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар фақат шаҳримиз ва республикамиздагина эмас, мамлакатимизда ҳам машҳур. Маҳсулотларимизнинг шуҳрати йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳар йили деярли 60-70 процент маҳсулотни янгилашга ва турларини кўпайтиришга эришяпмиз. Тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг ярмини Давлат Сифат белгиси билан чиқармоқдамиз. Ниятимиз, беш киррали белги билан тайёрланаётган маҳсулотларни янада кўпайтириш.

Бу осон вазифа эмас. Шунинг учун ҳам бирлашма партия ташкилоти унинг бажарилишини қатъий назорат қилишни ўз зиммасига олди. Бу ишга раҳбарлик қилаётган коммунистлар ишга жонкуярлик билан ёндошиб, сифатни яхшилаш учун турли тадбирларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлишяпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш масаласи партком йиғилиши, партия ҳўжалик активи, ишчи йиғилишларида энг асосий масала сифатида муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқармоқдамиз. Ниятимиз, беш киррали белги билан тайёрланаётган маҳсулотларни янада кўпайтириш.

Бу осон вазифа эмас. Шунинг учун ҳам бирлашма партия ташкилоти унинг бажарилишини қатъий назорат қилишни ўз зиммасига олди. Бу ишга раҳбарлик қилаётган коммунистлар ишга жонкуярлик билан ёндошиб, сифатни яхшилаш учун турли тадбирларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлишяпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш масаласи партком йиғилиши, партия ҳўжалик активи, ишчи йиғилишларида энг асосий масала сифатида муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтиришга сафарбар қилиш соҳасидаги иши тўғрисидаги» қарори қабул қилинганидан кейин, партия ташкилоти ўзининг бутун куч ва ғайратини қарорда таъкидлаб ўтилган камчиликларни бартараф қилишга қаратди. Илғорларнинг тажрибаси кенг жорий этила бошланди. Технологияни бузиш сингари камчиликларга қаттиқ чора кўрилмоқда. Маъмурият фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилди. Корхона шарафи учун бошланган курашда тарбиянинг хилма-хил шакл ва усулларидан фойдаланилмоқда.

Партком цех партия ташкилотлари, цех раҳбарлари, бригада ва ишлаб чиқариш илғорларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб, муҳокама қилиб боришяпти. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги илғор тажрибалар ўрганилиб, пропаганда қилинмоқда. Камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўриляпти.

Бирлашмада маҳсус сифатни бошқариш бўлими ташкил қилинган бўлиб, у корхонада стандартларни жорий қилиб, ҳом ашё ва ярим фабрика материалларни қатъий назорат қилиб турибди. Кўп масалаларни ҳал қилишда хариддорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш, улар билан мустаҳкам алоқада бўлиш катта ёрдам бермоқда. Ҳар куни эксперимтал цехда очиқ эшиклар куни ўтказилмоқда. Бу тадбирда Тошкентда истиқомат қилаётган ҳар бир киши қатнашиши мумкин. Янги моделлар ҳам худди шу ерда кўрикдан ўтказиляпти. Шаҳардаги кўплаб магазинларда ташкил қилинаётган маҳсус (кўрик) кўргазмалар вақтида эса биз қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозимлиги ҳақида аниқ хулосага келмоқдамиз. Бундай кўриклар мунтазам ўтказилиб турибди.

Корхона маъмурияти ва партия ташкилоти кадрларга раҳбарликни ҳар бир ҳал қилувчи участкада коммунистлар меҳнат қилиш принципи асосида олиб боришмоқда. Коммунистлардан А. Аветов, Л. Колчагорова, Л. Антонова ва бошқалар ўз иш жойларида унумли меҳнат қилишяпти.

Корхона коммунистлари мураббийчилик ҳаракатини ҳам кенг ривожлантиришмоқда. Ишлаб турган 150 га яқин мураббийларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир.

Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта ускуналаш иши ҳам партия комитетининг диққат марказида турибди. Янги ускуна ва жиҳозларни ўзлаштиришни замонавий ташкил қилиш ишлари билан қўшиб олиб бориш корхонанинг механизациялаш даражасини 80 процентга етказиш имконини берди. Жиҳозлар паркидаги ускуналарнинг ўндан бир қисми янгиланди, автоматик ва конвейер линиялар жорий қилинди.

Ишчилар орасида тарбиявий ишларни олиб бориш билан бирга ҳар бир кишида ўз вазифаси учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда ҳам кенг ривожлантиришмоқда. Ишлаб турган 150 га яқин мураббийларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир.

Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта ускуналаш иши ҳам партия комитетининг диққат марказида турибди. Янги ускуна ва жиҳозларни ўзлаштиришни замонавий ташкил қилиш ишлари билан қўшиб олиб бориш корхонанинг механизациялаш даражасини 80 процентга етказиш имконини берди. Жиҳозлар паркидаги ускуналарнинг ўндан бир қисми янгиланди, автоматик ва конвейер линиялар жорий қилинди.

Ишчилар орасида тарбиявий ишларни олиб бориш билан бирга ҳар бир кишида ўз вазифаси учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда ҳам кенг натижаларга эришилмоқда. Партия ташкилоти коммунистларнинг муттасил ҳисобот бериб туришларини тажрибадан ўтказяпти. Мураббийларнинг олиб бораётган ишлари, ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ҳақида мастер, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобот бериб туришибди.

Муваффақиятларга ҳам худди шу тадбирлар туфайли эришиляпти.

А. ҚОДИРОВА,
«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Муддатидан илгари

«Главташкентстрой»га қарашли 159-трестнинг 13-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Икром Усмонов бошлиқ комплекс бригада коллективи беш йилликнинг учинчи йилида зарбдор меҳнат қилмоқда. Бу бригада биринчилар қаторида Злобин методида ишлаш бўйича бошқарма раҳбарлари билан шартнома тузишган эди. Эндиликда юксак суръат коллективда одатдаги иш нормасига айланиб қолди. Кунлик топшириқлар мунтазам равишда 25—30 процент ошириб адо этиляпти.

Свердлов склакларнинг «Беш йиллик топшириғини кам ишчи кучи билан бажарамиз» ташаббусини қўллаб-қувватлаган коллектив резервларни ахтариб топмоқда.

•

«Миконд» заводи 5-цехи конструкторлик-монтаж бюросининг комсомоллари ва ёш ишчилари қолоқларсиз ишлашни ўзлари учун шиор қилиб олишган.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) цехнинг энг яхши йигувчиларидан Б. Ким, Н. Рустамова, Л. Вертунова, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати М. Исаева, М. Зиёдуллаева, И. Точирова цех ёшларининг қолоқларсиз ишлаш масаласини муҳокама қилишмоқда.

•



ВА УНУМЛИ ИШЛАЙЛИК!



Ёш ишчига — мураббий марраси

ТЎҚИМАЧИЛАР ШИОРИ АНА ШУНДАЙ!

Партия XXV съездига хутдиновани ўргатишга тайёргарлик арафасида аҳд қилди. Шу билан Тошкент тўқимачилик бирга у ёш тўқувчилар комбинати 2-фабрикасининг донгдор тўқувчиси билан социалистик мусобақа Анна Сергеевна Верзилина шартномасини корхонанинг барча ҳам тузди.

тажрибали ишлаб чиқариш илғорларини ёш ишчиларга оталиқ ёрдами кўрсатишга, «Ёш ишчига— мураббий марраси!» шиори остида меҳнат қилишга чақирди.

Тезда бутун комбинат коллективи мураббий ва унинг шогирдлари беш йилликнинг юксак марраларини эгаллаётганликларининг гувоҳи бўлди: Анна Сергеевна бир ойда икки ойлик нормани бажарди. Унинг шогирдлари эса оширган юқори зичликда ишни муваффақиятли уддалашди.

Комбинат партия комитети бу қимматли ташаббусни маъқуллади. Корхона коммунистлари биринчи бўлиб уни қўллаб-қувватлашди.

Қимматли ташаббус билан чиққан комбинат партия комитетининг аъзоси А. С. Верзилинанинг ўзи тўқимачилик касбини эгалламоқчи бўлган ёшларни бу касбга ўргатишда намуна кўрсатди. У кўпстаночилик маҳоратига 85-ҳунар-техника билим юртининг битирувчилари — Антонина Молодова ва Светлана Фасттўқувчи Ира Максимовани касб сирларига ўргатмоқда. Бу қиз ҳам типовой нормадаги 24 ўрнига 30 станокка хизмат кўрсатиб топшириқларини ўрта ҳисобда 103—104 процент адо этяпти. Л. С. Верзилинанинг хизматлари муносиб тақдирланган. У Ленин ордени ва Октябрь революцияси орденлари билан мукофотланган. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Республика Комитети унга «Ёшларнинг энг яхши мураббийси» деган юксак ном берди.

Ишлаб чиқариш илғорининг меҳнатдаги намунаси кўпларни илҳомлантириб юборди. Ҳозир комбинатда 719 киши мураббийлик қилмоқда. Улардан 839 нафар ёш ишчи кўп станокка хизмат кўрсатиш тажрибасини ўрганмоқда.

«Тошкент оқшоми»нинг коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

СУРАТДА: «Ёш ишчига — мураббий марраси» ташаббусининг ижодкори, донгдор тўқувчи А. С. Верзилина ўзининг янги шогирди Нина Филонова билан.

◆ СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Қувончли меҳнат

Шу кунларда цехларда бўлиб, заводимиз меҳнаткашлари республикамиз янги Конституциясини нақадар зўр қувонч ва ифтихор билан маъқуллаётганликларини кўраяпман. Бу тушунарли, албатта. Унда худди томчида қуёш акс этганидек, бугунги ҳаёт, ривожланган социализмнинг ўзига хос томонлари тўла ифодаланган. Кишилар айниқса Конституциянинг меҳнат коллективларининг ролига бағишланган саккизинчи моддасига қизиқишяпти. Ахир, айнан ишлаб чиқаришда совет турмуш тарзининг меҳнатга онгли ва ижодий ёндошиш, жамоат ва шахсий манфаатларни қўшиш, ватанпарварлик, интернационализм, ўртоқларча ёрдам ва жамоатга илжи борича кўпроқ фойда келтириш истаги каби белгилари тўла намоён бўлади.

Икки йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилотининг совет турмуш тарзини пропаганда қилиш ва қарор топтириш бўйича қилаётган ишлари тўғрисида қарор қабул қилганди. Унда жумладан, меҳнат коллективи коммунистик жамият қурувчиларининг чинакам тарбиячисидир, деб таъкидланган. Фаол ҳаётий позициянинг намуноси социалистик мусобақада иштирок этишда ёркин ифодаланяпти. Бунда ҳам коммунистлар намуна бўлишяпти.

Унинчи беш йиллик кўпгина ажойиб ташаббуслар туғилган давр бўлди. Бизнинг коллективда «Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз» ташаббуси кенг ёйилди. Уни биринчи бўлиб коммунистлар токарь В. Клепинин, слесарь М. Қулибоев, силлиқловчи Г. Ржанников, фрезерчи М. Аҳмедов ва бошқалар қўллаб-қувватлашди.

Корхона коммунистлари «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббуси билан чиқишди. Тажрибали ветеран ишчилар «Шогирдга —мураббий марраси» шиори остида меҳнат қилишяпти. Кўпгина ёш ишчиларимиз беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституцияси кунигача адо этиш учун кураш олиб боришяпти. Бу ташаббусларнинг моҳияти нимада?

Мен бу саволни шунчаки бераётганим йўқ. Бу ҳақда ишчилар билан кўп марта гаплашганман. Завод ветеранлари коллектив судралиб, графикка риоя қилолмаган пайтларни яхши биласан. Энди эса, мана талай вақтдирки, план ва мажбуриятларни муваффақиятли уддалаяпмиз. Айнан социалистик мусобақа, ватанпарварлик ташаббусларининг кенг оммалашганлиги, коммунистларнинг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари муваффақият омили бўлди.

Қолоқларсиз ишлаш— давлат планини муттасил бажариш, бир маромда меҳнат қилиш демакдир. Бу— меҳнатга коммунистик муносабатни, коллективизм фазилатларини тарбиялаш, мусобақабажариш деган сўз эмас. Бу аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш ҳам демакдир. «Таштекстильмаш»да тайёрланган машиналар мамлакатимизнинг 300 дан ортиқ шаҳрида, ўнлаб чет эл мамлакатларида меҳнат қилмоқда. Бу коллектив Шимоли-Шарқ массивида қураётган 24 квартирали турар-жой биносини муддатидан анча илгари фойдаланишга топшириш учун тайёрлашди.

Мана шундай қилиб «Қолоқларсиз ишлайлик» шиорини ташкиллий, техник ва идеологик тадбирлар билан мустаҳкамлаш, бу ташаббусни қарор топтириш, дурустгина натижаларга эришиш имконини берди. Коллектив беш йилликнинг икки йили планини бир ярим миллион сўмга ошириббажарди. Завод Тошкент корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада бир неча марта ғолиб чиқди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббусининг моҳиятининг ўзи коммунистлар ва бутун коллективнинг активлиги, тинмай олға интилишини кўрсатиб, совет турмуш тарзининг коммунизм қурувчиларининг биринчи сафларида бўлиш сингари фазилатларини ўзида ифодалайди.

В. ГОПАНЕНКО,

«Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари.

◆ ДЕПУТАТ МИНБАРИ

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Бизнинг «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмамизда ростовликларнинг «Қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлайлик!» ташаббусига бағишланган очиқ партия мажлиси нақадар қизғин ўтганлиги ёдимда. Шу куни халқ назоратчилари, «Билим» жамияти завод группасининг активистлари ва пропагандистлари, биз, депутатлар ён дафтаримизга кўпгина нарсалар ёзиб олдик. Бирлашманинг ҳар бир жамоат ташкилоти олдига «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббусини ёйишга қаратилган катта, масъулиятли вазифа қўйилди. Ҳамма вақтдагидек бу ишда ҳам коммунистлар бошчилик қилдилар.

Аввало ҳамма жойда имкониятларни қидириб топувчи жамоатчилик комиссиялари тузилди. Бу комиссиялар ишчи кадрлар, инженерлар, касаба союз ва комсомол активистлардан тузилган. Планларнинг бажарилиши бирлашма жамоатчилиги томонидан қаттиқ назорат остига олинди. Биз бу борада қандай ютуқларга эришган бўлмайлик, бунга бирлашмадаги «Билим» жамияти завод группаси туфайли эришдик. 52 кишидан иборат группа аъзоларининг ҳар бири лектор ва пропагандистдир. Бирлашма ходимларидан — лекторлар И. Денисенко, Н. Степанян, В. Броунлар ўз машғулотларини қизиқарли ва самарали ўтказадилар. Группамиз: «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббусини ёйишга бағишлаб юздан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказди.

Имкониятларни қидириб топишда бирлашмадаги мураббийлар совети яқинданамалий ёрдам бермоқда. 170 меҳнат ветеранини ўзига бирлаштирган совет завод ёшларига ўз билим ва тажрибаларини қунт билан ўргатмоқда. Ана шундай тадбирларнинг амалга оширилиши натижасидан 1978 йилнинг биринчи квартал планига қўшимча 335 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Экиш мавсумига машиналар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бериш тўғрисидаги ҳукумат топшириғи муддатидан илгари адо этилди.

В. СЕРГЕЕНКО,

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 20-ремонт-механика цехининг слесари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Свердловскли к л а р нинг «Беш йиллик топшириқни кам ишчи кучи билан бажарамиз» ташаббусини қувватлаган Евгений Иванов бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Бу коллектив Шимоли-Шарқ массивида қураётган 24 квартирали турар-жой биносини муддатидан анча илгари фойдаланишга топшириш учун тайёрлашди.

Тажрибаларини ўртоқлашишмоқда

Тошкент агрегат заводидаги 110 та илғор ишчи «Ёш ишчига мураббий марраси» ташаббуси асосида ишламоқда. 450 дан ортиқ ишчи СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача уч йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган. Бошқа нўпалаб ишчилар ҳам ана шу ички ташаббусни кенг қўллаб-қувватл а ш д и. Трактор қисмларини тайёрлаш цехининг йўнувчи-токари Георгий Руданов ва қишлоқ хўжалик техникаси р е дукторлари учун деталлар тайёрлаш механика участкасининг токари Ренат Шокировлар бошқаларга ибрат кўрсатиб ишлаяпти.

Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, «олтин қўлли» уста ҳисобланган Руданов кейинги йилларда саккизта ёш ишчини тарбиялаб, ўз касби сирларини ва тажрибасини ўргатди.

Р. Шокировнинг эса 12 та муносиб шогирди бор. Улар ҳам ўз устози қаторида зарбдор меҳнат қилиб ўтган йили Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига қадар икки йиллик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришди.

Бу икки мураббий ўзининг зарбдор меҳнати учун бир неча марта ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Улар бу йил ҳам янги Конституция қабул қилинган кунининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақаларда пешқадамлик қилишяпти. Коммунист Г. Руданов ва коммунист Р. Шокиров ҳозир июль ойи ҳисобига ишлашяпти.

КУНДАЛИК ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида коллективнинг унумли меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун шароитлар яратилган.

Бирлашмамизда унумли меҳнат қилиш учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор бериляпти. Кенг ва ёруғ цех ва участкалар кўзларни қувонтиради. Чунки бу жойларда ҳамиша гуллар ўсиб туради. шунингдек, ойналарга чиройли дарпардалар осиб қўйилган. Ювиниш хоналари, ошхоналар... Хуллас, кейинги йилларда бирлашмамизда амалга оширилган ҳамма ишларни санаб ўтишнинг иложи йўқ.

Бирлашма маъмурияти ва касаба союз комитети ишчи ва хизматчиларга хизмат кўрсатишга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ҳозир корхона ихтиёрида 350 ўринли ошхона, чойхона, буфет бор. Парҳез таомлар тайёрланадиган ошхонада олтмишдан зиёд киши касаба союз комитетининг йўлланмаси билан имтиёзли асосда овқатланишмоқда. Яқин кунларда корхонада кулинария ва ярим фабрикатлар магазини очилади. Бу корхонада меҳнат қилаётган аёлларнинг меҳнатини янада енгиллашишига ёрдам беради.

Дам олиш ҳамиша бизнинг диққат марказимизда турибди. Биз ишчиларни тез-тез шаҳар ташқарисига ва Чимёнга чиқишларини уюштирмоқдамиз.

Корхонада иккита болалар комбинати ва ясслилари, пионер лагери мавжуд. Шунингдек бадиий ҳаваскорлик тўгараги, гўзаллик салони ҳам ишчи ва хизматчилар ихтиёрига топширилган. Буларнинг ҳаммаси унумли меҳнат қилишга хизмат қилиш билан бирга корхонада бирорта ҳам қолоқ ишчи бўлмаслигига ёрдам кўрсатмоқда.

Н. МИРПЎЛАТОВА,

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

◆ ФАН— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Жорий этиш учун ишлаб чиқяпмиз

«Жорий этиш ва фойдаланиш планига киритилмаган биронта ҳам илмий иш қолмасин!»— илмий-тадқиқот институтининг юксак самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган институтимиз коллективи ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда. Биз нималар ҳисобига самарадорликка эришяпмиз? Биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олган ҳолда тадқиқотларни тўғри планлаштириш ҳисобига эришилади. Энг актуал проблемаларни биз институтнинг илмий советида, Ўзбекистон ССР ва СССР Геология министрликларида муҳокама қиламиз. шундан кейингина уларни тасдиқлаймиз. Жорий этиш плани ишлаб чиқариш ташкилотлари билан биргаликда тузилади. Шунинг эвазига уни жорий этиш учун ҳар икки томоннинг масъулияти таъминланади.

Бундан ташқари жорий этишга тавсия қилинган ярим саноат ва ярим ишлаб чиқариш апробация ҳолидаги тадқиқотларни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бизда механик устахонаси ва лойиҳа-конструкторлик бюроси бўлган тажриба методик партияси ташкил этилган. Уларда ярим саноат тажрибалари ўтказилади. Айрим ҳолларда тавсияларимиз тўла синовдан ўтказилади— шундан кейингина биз уларни ишлаб чиқаришга топширамиз.

Республикамиз нефть ва газга бой районларини прогноз баҳо бериш учун айрим ҳолларда амалий тавсиялар бериш имконини берадиган амалий йўналишлар билан мустаҳкам алоқада биз. нефть-газ геологияси фанининг асосий проблемаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ геология-разведка ишларини тўғри жойлаштиришда фойдаланилмоқда. Нефть ва газ маъвжуд бўлган қатламларда содир бўлувчи биохимик ва геохимик жараёнларни ўрганиш асосида олтингугуртга, бой бўлган, олтингугурти бўлмаган ва оз миқдорда олтингугурти бўлган газнинг ривожланишига доир схематик прогноз картаси тузиб чиқилди. Олтингугуртли газларни алоҳида-алоҳида ишлашнинг илмий асосини ишлаб чиқиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ушбу мисолдан ҳам билса бўлади. Сўнгги йилларда республикамизда табиий газ запасларини бойитиш асосан олтингугуртдан тозаламай туриб фойдаланиш мумкин бўлмаган олтингугуртли газ ҳисобига амалга оширилмоқда. Шу билан бирга табиий газдаги олтингугурт миқдорини кўпайтириш ҳисобига

Ричард Артемович КАРАПЕТОВ

1956 йилдан бери КПСС аъзоси. Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳмонхона хўжалиги бошқармасининг бошлиғи. Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзоси, халқ депутатлари шаҳар Советининг депутати Ричард Артемович Карапетов 1978 йил 26 апрель куни 49 ёшида бевақт вафот этди.

Р. А. Карапетов 1929 йилда Москва шаҳрида туғилди. Ўрта Осиё политехника институтининг механика факультетини тугаллагандан сўнг Тошкент шаҳридаги «Подъёмник» заводида, комсомол ва партия ишларида ишлади.

Р. А. Карапетов 1961 йилдан 1974 йилгача Тошкент асбобсозлик заводининг директори, шундан сўнг Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1974 йил сентябрь ойидан умрининг охиригача Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳмонхона хўжалиги бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. Партия ва ҳукуматимиз Р. А. Карапетовнинг самарали фаолиятини юксак баҳоладилар. У медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

Ўртоқ Ричард Артемович Карапетовнинг ёрқин хотираси у билан бирга ишлаган ва уни яхши билган кишилар ёдида умрбод қолади.

А. А. Ҳўжаев, В. О. Козимов, К. П. Дудин, Л. И. Мелькумов, Г. М. Саркисов, Б. Ғ. Халилов, М. Ф. Солдатов, Н. А. Деҳқонҳўжаев, Ҳ. К. Камолов, С. Г. Любишин, Ш. Р. Шоабдураҳимов, Х. Ё. Ёқубжонова, М. М. Мартьянова, Ф. Н. Назруллаев, П. Х. Абдураҳмонова, Б. А. Зайцев, Т. Н. Набиев, И. И. Федоринов, Ш. Т. Нусратов, С. Қ. Тожиев, Ш. Р. Мирсандов, В. А. Сидоренко, Л. З. Тоиров, Р. У. Тўрақўлов, А. Ю. Ёқубова.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

СОВҒАЛАР УЧУН–ГУМга

СИЗЛАРНИ, ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР, Г У Мга БАЙРАМ ОЛДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Ахир, ГУМ — бу камида 20 магазин мажмуасидан иборат бўлиб, унда турли товарлар жуда катта ассортиментда мавжуд.

Бу ердан ҳар бир аёл учун совғалар: атирлар ва металлга зарб қилинган, керамика, суяк, ёғочдан ясалган совға буюмлари, ёғоч паннолар ҳамда баҳор байрам либослари сотиб олишингиз мумкин. Байрамга соатлар (осма ёки қўл соатлари), кумуш ёки тилла узуклар, исирғалар ажойиб совға бўлиши мумкин.

Агарда сиз олдин сотиб олиб қўйган материалингизни оила аъзоларидан бирортасига тиктириб бермоқчи бўлсангиз тикувчилик, трикотаж ва пойафзал бўлимларига киришингизни маслаҳат берамиз.

Тайёр кўйлаклар секциясида ҳозир акрил сунъий ва табиий ипакдан тикилган енгил баҳорги кўйлаклар мавжуд. Кўйлаклар чиройли гулли газмоллардан тикилган бўлиб, модали фасонда.

Бу кўйлакларни Тошкент «Модалар уйи» ва Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмаси тикиб чиқарган.

Сунъий крепдешиндан тикилган, енги калта ва ёқали, гуллар билан безалган башанг кимоно кўйлаклари ҳаммага манзур бўлади. Бу жуда чиройли кўйлакларни ГДР ва Чехословакия саноат корхоналари ишлаб чиқарган. Шунингдек, савдода кримплен, трикотин, табиий ва сунъий ипакдан, хон атласдан тикилган миллий кўйлаклар, ипакли узун халатлар ҳам мавжуд.

Пойафзал бўлимидан — аёллар босоножкалари (оқ, қизил, яшил рангда), шунингдек лакланган қора рангдаги босоножкалар; нам ўтказмайдиган ва чармбоп резина пошнали эркакларнинг сандалетларини сотиб олиш мумкин. Бу пойафзалларни Тошкент, Қўқон ва Фарғона пойафзал фабрикалари ишлаб чиқарган.



ГУМ эркакларга кўйлаклар (штапелли, ип газламали, ипакли, трикотажли), йўл-йўл газмолдан тикилган финкалар таклиф этади.

ГУМда ҳар қандай дид ва ёшга мос трикотаж буюмлари (блузкалар, кўйлаклар, юбкалар, шимлар) ва кўйлаклик газмоллар, чит, штапель, сунъий шойи танлаш мумкин.

ГУМГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ГУМ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/IV да **Пиковая дама** (12.00, билетлар сотилган). **Бир антик балетлар** (19.00). 30/IV да **Золушка** (12.00), **Чио-чио-сан** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27, 28/IV да **Келинлар қўзғолони**, 29/IV да **Қиёмат қарз**, 30/IV да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Фариблар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да **Олифта**, 29/IV да **Кулги кечаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Хаммомга бало бормиҳ**, 29/IV да **Кўзингни каттароқ оч**, 30/IV да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

КИНО

28 АПРЕЛДА

Ҳаётга ташналик — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 20.45), «ЧАЙКА» (11, 14, 16.45, 19, 18.30, 20.45), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Транссибирь экспресси — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (жуфт соатларда).

Ун икки стул — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13, 14.30, 16, 17.30, 19.00, 21.00).

Запас аэродром — «МИР» (тоқ соатларда).

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙ СОАТ 13.00 ВА 16.00 ДА

СЕВИМЛИ ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Шерали ЖЎРАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Фотима БАРАТОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА;

РАҚҚОСАЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ

КАРИМА УЗОҚОВА

Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА;

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфатоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Мусика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

«ИНТУРИСТ» АКЦИОНЕР ЖАМИЯТИ БАЗАСИДАГИ

129-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (чет эл пазандачилигини билган ҳолда). **Ўқиш муддати — 2—3 йил;** ОФИЦИАНТ (чет тилини билиш билан), ҚАНДОЛАТЧИ. **Ўқиш муддати — 2 йил;** ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. **Ўқиш муддати 1 йил;** САНОАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. **Ўқиш муддати — 1—3 йил, 8—10-синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади;** СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ МЕХАНИГИ. **Ўқиш муддати — 1 йил. 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади.**

Ўрта маълумотдаги ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента тулаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар бепул овқат, устки кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 30 процента билан таъминланади.

Билим юртини тамомлагач, савдо министрлиги ва Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон территориясидаги «Интурист» корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртини тугатгач, уларга ўрта маълумот ҳақида аттестат топширилади.

Машғулотлар — зарур кўргазма қуроллари билан жиҳозланган кабинетларда ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртида 8 та спорт секцияси ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 3 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Юнусобод» массиви, Д—2, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй, (51-автобуснинг «Билим юрти» бекати, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Универсам» бекати).

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БАҲОРНИ ЯНГИ ЛИБОСЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШ ЖУДА СОЗ. АЙНИҚСА АЁЛЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ҚИЛИШАДИ. БУГУНГИ КУНДА БИЗ УЛАРГА

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН БАҲОРГИ-ЁЗГИ МАВСУМГА АТАЛГАН ЛИБОСЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ



Сизлар магазинларда ранг-баранг гулли, майин ва нафис газламаларнинг жуда кўп хилларини танлайсиз. Бу магазинларнинг савдо тахталарига кўйилган газламалар асосан сунъий ва ацетатли шойи, штапелли полотно, вельвет, манзарали газлама ва финель ҳамда канопдан иборат.

Каноп ана шу мавсумнинг энг оммабоп газламаларидан бири эканлигини эслатиб ўтамиз. Бундай газламадан тикилган кийим чиройли, чидамли ва мода талабига жавоб беради. Модельерлар канопдан халқ миллий анъаналари усулида жозибали каштачилик, аппликация усули билан кўйлаклар, шунингдек кўйлак-костюмлар, кофточкалар, чўмилиш ва ёзлик костюмларини тикишни тавсия қилмоқдалар.

«Ташпромторг» магазинларида тайёр тикувчилик буюмлари ҳам бор. Турли моделда енги узун ва калта қилиб тикилган кримплен, трикотин, шойи кўйлаклар; хон атласдан тикилган миллий кўйлаклар, шойи, ип-газлама кримплен костюмлар; ип-газлама, фланел, шойи халатлар шулар жумласиндандир.

«ТАШПРОМТОРГ» ЭРКАКЛАРГА ҚУЙИДАГИ КИЙИМЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

мамлакатимиз ва чет эл корхоналарида тикилган костюмлар; мамлакатимизнинг Белоруссия, Грузия, Фарғона тикувчилик фабрикаларида ва чет эл корхоналарида ип-газлама, каноп, лавсандан енги узун ва калта қилиб тикилган, сидирға рангли, катакли ва гулли (барча размердаги) **кўйлаклар, нейлонли кўйлаклар.**

Мактаб ёшидаги болалар учун мамлакатимиз корхоналарида тикилган жинслар ва шимлар, ип-газламали ва ярим жун аралаштирилган кўйлаклар бор.

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШПРОМТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ХОТИРЖАМ МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШНИНГ ГАРОВИ

Сиз меҳнат отпускасига чиқиб саёҳатга йўл олдингиз, командировкага ёки зарур иш билан бирорта шаҳарга бормоқчисиз, ёки ишга йўл оласиз...


СИЗ БЎЛМАГАНИНГИЗДА КВАРТИРАНГИЗГА КИМ ҚАРАБ ТУРАДИ?

Агарда сиз идоралардан ташқари қўриқлаш хизматига мурожаат этсангиз меҳнатингиз самарали бўлади, хотиржам дам оласиз.

Квартирангизда исталган хонага ёки гаражингизга кечаю-кундуз ишлаб турадиган қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси асбоблари ўрнатилади ва улар хонага бегона кишиларнинг кириб қолиши ёки ёнғин пайдо бўлганлиги ҳақида милицияга хабар беради.

Электронли қоровул мол-мулкларингизни ишончли сақланишини гарантиялайди.

Муҳофазанинг хар хил турлари бўйича маълумотлар олиш учун ўз турар жойингиз бўйича милиция органларига мурожаат этишингиз мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ИДОРАЛАРДАН ТАШҚАРИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 АПРЕЛ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Миллионлар ленинча университети». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Рекс — актёр». Мультфильм. 18.50 Бутуниттифоқ конкурси лауреати Р. Белов чалади (домра). 19.20 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.45 ВЛКСМ XVIII съездига пионерлар рапорти. Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — СССР терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Оқ автомобиль». Болалар учун мультфильм. 18.25 «Бугун ва кундратин». 18.45 «Бизнинг бош мухбиримиздан». Кўрсатувда Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, генерал-майор И. Г. Сатторов иштирок этади (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Биз қишлоқда яшаймиз». Қишлоқларни комплекс қуриш ва ободонлаштириш бўйича кўрик-конкурси. 20.00 «Дугоналар» дуторчилар ансамбли чалади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Газал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Битта умр камлик қилади». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Кохановкалик артист». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Байрамолди рекламаси. 20.50 «Кўча ҳаракати хавфсизлигининг баҳорги кўриги давом этмоқда». 21.20 Бадиий ўқиш. «Ильинский Зощченко ҳақида».

28 АПРЕЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.45 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинградда олиб кўрсатилади. 10.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — АҚШ терма командалари. 3-давр. Прагадан олиб кўрсатилади. 11.35 «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 15.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Китоб. Давр. Китобхон». 16.20 Кекса большевиклар хори ва Горбунов номли Маданият саройи Академик хор капелласининг концерти. 16.40 «Москва ва москваликлар». 17.10 «Жаҳон халқларининг ижоди». «Вьетнам санъати».

17.40 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 18.10 «Ленин йўлидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 Д. Шостакович. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун ёзилган биринчи концерт. 19.55 «ВЛКСМ XVIII съездида». Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.15 «Кинопанорама». 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.10 «Қўшни ўлка маршрутлари» (рус.). 18.40 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.55 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов куйлайди. 19.35 «Ахборот» информацион программаси 19.55 Москва. «ВЛКСМ XVIII Съездида». Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.15 «Оқшом қунганича йўқ». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Шахмат пиёдаси Пешкининг саргузаштлари». 19.40 «Тошкент билан биродарлашган шаҳарлар» Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига бағишланган кўрсатув (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Совет қўшиқларидан концерт. 21.00 «Бир оила тарихи». Телевизион ҳужжатли фильм.

Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлими ва медицина ходимларининг район касаба союз комитети 2-стоматология поликлиникасининг бош врачи А. Ҳ. Ҳожиакбаровга отаси

Ҳожиакбар МУМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси хўжалик ҳисобидаги Консультатив поликлиника коллективи поликлиника ходими

Лазонат ҲУСАНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

27 АПРЕЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 06420. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1297.